

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 247-ҳадис

28- **Мусулмонларнинг айбларини ёпиш, уни заруратсиз ёйишдан қайтарилгани хусусида**

### 28-боб

**Мусулмонларнинг айбларини ёпиш, уни заруратсиз ёйишдан қайтарилгани хусусида**

Мусулмонларнинг айбларини ёпиш, уни заруратсиз ёйишдан қайтарилгани хусусида

Аллоҳ таоло: «Албатта иймон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охирада ҳам аламли азоб бордир», деб айтган (Нур сураси, 19-оят).

247 - **Мусулмонларнинг айбларини ёпиш, уни заруратсиз ёйишдан қайтарилгани хусусида**

1. 247. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бир банда бу дунёда бир банданинг айбини яширса, Аллоҳ Қиёмат куни унинг ҳам айбини яширади»**, дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*

Шарҳ: **«Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини бу дунёю охирада беркитади».**

Уламоларимизнинг айтишларича, айбини беркитиш моддий ва маънавий жиҳатдан бўлади.

Биринчиси, моддий камчиликларни беркитиш, мисол учун, баданини беркитиш учун кийим олиб бериш бўлса, маънавийси эса ёмон иш

қилганини кўриб қолиб, ҳеч кимга айтмай беркитишдир. Бу ҳам инсон ҳаётида доимо учраб турадиган ҳолат. Бир жамиятда яшаб турган кишилар бир-бирларининг айбларини беркитиб яшасалар, яхши бўлади.

Инсон билиб-билмай турли хатоларга йўл қўйиши мумкин. У ўзи йўл қўйган хатони беркитишга ҳаракат қилмоқдами, демак, ўша одамда яхшилик бор. Шунинг учун унинг айбини очишга, ҳаммага ошкор этишга ҳаракат қилиш дуруст эмас. Агар биров гуноҳ ва айб ишларни ошкора қилса, ундан яхшилик кутиб бўлмайди.

Бировнинг айбини беркитган одам аслида ўзининг айбини беркитади. Аллоҳ таоло шу қилган иши учун унинг бу дунёю охиратдаги айбини беркитади. Чунки у бировнинг айбини ошкора қилса, бошқа биров ёки ўша айби очилган киши унинг ҳам айбини очиши мумкин. Бу туфайли жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқасининг айбини очиш учун ҳаракат қиладиган бўлиб қолади. Оқибатда жамият аъзолари орасида ўзаро келишмовчилик ва душманчилик кучаяди, жамият таназзулга юз тутаяди.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI